

Х. Воҳидов

Бердақнинг

**ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
ҚАРАШЛАРИ**

ЎЗДАВНАШР

Ҳ. ВОҲИДОВ

БЕРДАҚНИНГ
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ
ҚАРАШЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ—1962

БИР-ИККИ СЎЗ

Шоир-демократ Бердақ — XIX аср иккинчи ярмидаги прогрессив ижтимоий-сиёсий фикрнинг атоқли вакиллари-
ридан биридир.

Бердақ асарлари Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейингина нашр қилина бошланди. Унгача Бердақ асарлари қўлёзма ҳолида, асосан ашула, шеърлар сифатида оғиздан-оғизга кўчиб юрди. Шоирнинг «Шежере» номли тарихий поэмасининг бир қисмигина Петербург университети студенти И. А. Беляев томонидан 1916 йилда Ашхободда нашр қилинди.

1935 йилдан бошлаб шоирнинг айрим асарлари тўп-лана ва газета, журналлар саҳифаларида нашр қилина бошланди.

1941 йилда Бердақ асарларининг биринчи тўплами нашр этилди. 1950 йилда тўлдирилган иккинчи нашри, 1956 йилда эса учинчи нашри босилиб чиқди.

Бердақ асарлари рус ва ўзбек тилларига таржима қилиниб, алоҳида китоб ҳолида босилиб чиқди.

Шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳам бир қанча мақола ва брошюралар нашр этилди.

Ушбу брошюра Бердақнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини ёритишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Вахидов Х. П.

Общественно-политические взгляды Бердаха. Т.,
Госиздат УзССР, 1962.

40 стр

1Ф(С)+8с (Кар.)

В—22

Бердақ ижтимоий-сиёсий қарашларини текширишда автор, биринчи навбатда, унинг ижодини шакллантирган тарихий шароитни назарда тутди ва, марксизм-ленинизмнинг синфий жамиятда ҳар бир миллий маданиятда икки маданият борлиги ҳақидаги қондасига асосланиб, Бердақ дунёқарашининг синфий моҳиятини, унинг феодал-хонлик тузумига қарши курашини кўрсатишга ҳаракат қилади. Шу билан бирга, автор Бердақнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари унинг ўзи яшаган давр социал-иқтисодий шароити билан бевосита боғланганлиги, бу қарашларнинг чекланганлиги сабабларини кўрсатишга ҳам уринади.

БЕРДАҚ ЯШАГАН ВА ИЖОД ЭТГАН ДАВР

Бердақ XIX асрда — Хива хонлари қорақалпоқ халқини аёвсиз эзган даврда яшади ва ижод қилди. Бу даврда қорақалпоқ меҳнаткашлари хўжаликни олиб боришга ноқулай шароитда яшар эдилар. Меҳнатсевар қорақалпоқ халқи Хива хонлиги экономикасида муҳим роль ўйнаган қатор қишлоқ хўжалик районларини вужудга келтирди. Лекин Хива хонларининг таловчилик сиёсати, Хива феодаллари ва феодал-зодагонларининг иқтисодий-сиёсий зулми қорақалпоқ меҳнаткашларига ўз меҳнат самараларидан фойдаланиш имконини бермади. Меҳнаткашлар муҳтожликда яшашга маҳкум қилинган эдилар.

Қорақалпоқ овулининг синфий табақаланиш процесси, меҳнаткаш оммани эксплуатация қилиш мустамлакачилик даврида янада кучайди. Ички бозорнинг ўсиши, товар-пул муносабатларининг кучайиши ерга бўлган хусусий мулкчиликни янада тезлатди. Асосий моддий бойликлар — ер, сув, чорва феодаллар қўлида тўпланди. Улар меҳнаткаш оммани эксплуатация қиларди.

Хива хонлигидаги феодал-мустабид идора усулининг асосий функцияларидан бири аҳолидан солиқлар олиш эди.

Солиқлардан ташқари аҳоли яна бир қатор бошқа мажбуриятларни ҳам бажарарди. Улардан энг мушкуллари ариқ ва каналларни тозалаш ишлари эди. Солиқ ва мажбуриятларнинг бутун оғирлиги меҳнаткаш омма елкасига тушарди.

Бундан ташқари, хон амалдорлари ва феодал-уруғ зодагонларининг ўзбошимчаликлари, феодал низолар ва ўзаро урушлар мамлакатни тушкунликка олиб келарди. Бу эса, сўзсиз, стихияли революцион кайфиятнинг ўсишига ёрдам берарди.

Революцион кайфиятлар деҳқонларнинг ҳокимиятга қарши пассив норозилик билдиришидагина эмас, балки омманинг очиқ чиқишларида ҳам ўз аксини топди. Қорақалпоқ халқи золим хонларга, зулм ва жаҳолатга қарши курашга бир неча бор отланди. Чунончи, 1827—1828 йилларда Як-Яқиш районида қорақалпоқлар қўзғолон кўтарди. Қорақалпоқларнинг яна кучлироқ ҳаракати 1855—1856 йилларда бўлиб ўтди. 1858—1859 йилларда қорақалпоқлар яна қўзғолон кўтардилар. Бу гал улар ўзбек ва қozoқлар билан бирлашиб ҳаракат қилдилар. Бироқ бу қўзғолонларнинг ҳаммаси мағлубиятга учради.

Хива хонлиги даврининг ҳукмрон идеологияси ислом дини идеологияси эди. Бу идеологиянинг асосий таянчлари феодал-уруғ зодагонлари, бойлар, руҳонийлар ташкил қиларди. Улар ислом динини халқ оммасини руҳий асоратда сақлашда, уни эксплуататорларга бўйсунуши ва итоатгўйлик руҳида тарбиялашда асосий қурол деб билдилар.

Шундай қилиб, феодал муносабатлар ҳукмрон бўлган даврнинг эркин фикри, дунёқараши диний схоластика билан бўғилганди. Диний дунёқарашга қарама-қарши бўлган ҳар қандай ҳаракат ваҳшийларча бостирилди.

XIX аср ўрталарида юз берган социал-иқтисодий ўзгаришлар, синфий зиддиятларнинг тобора кескинлашиши ижтимоий фикр ривожига катта таъсир қилди. Қорақалпоқ халқининг илғор ижтимоий фикри янги идея, янги мазмун билан бойиди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, қорақалпоқ халқи ижтимоий фикрининг янги идеялари, янги мазмуни ижтимоий ҳаётнинг салбий томонларини дадил танқид қилишда, хонлар ва уларнинг чиновниклари, бий ва руҳонийларнинг ўзбошимчалик, зўравонликларига қарши курашда ўзининг ёрқин ифодасини топди.

XIX асрда ижтимоий фикр майдонида Қунхўжа, Ожиниёз, Бердақ, Утеш ва бошқалар чиқдилар. Улар ижо-

дида қорақалпоқ халқи ижтимоий-сиёсий ҳаётининг муҳим томонлари ўз аксини топди.

Жиемурат Қунхўжа (1799—1880) қорақалпоқ халқининг атоқли шоиридир. Унинг бутун ҳаёти муҳтожликда ўтди. У ўз асарларида меҳнаткашлар оммасининг оғир турмушини, орзу-истакларини куйлади, зулм ва зўравонликка, феодал тузумга қарши чуқур нафрат ва норозилик туйғуларини акс эттирди. Шу билан бирга, Қунхўжа хон ва бекларга, бой ва эшонларга қарши кураш йўлини тавлашди, уларнинг адолатсизликларини, халқнинг ашаддий душманлари эканликларини фош қилди. Шоир мамлакатга раҳбарлик қилувчи ҳоким адолатли, халққа содиқ ва ғамхўр бўлиши керак, ҳақиқий инсон ўзини халққа хизмат қилишга бағишлайди, унга содиқ бўлади, дейди.

Қунхўжа ўз давридаги мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумга ана шу нуқтан назардан баҳо берди. У ўз замонидаги адолатсизлик сабабларини, адолат ўрнатилган йўллари билан билишга интилди, лекин Қунхўжа озодлик ва бахтга эришиш йўллари кўриш даражасига кўтарила олмади. Унинг ижтимоий қарашларидаги чекланганлик, қарама-қаршиликларга қарамасдан, ижоди ва фаолияти қорақалпоқ халқи ижтимоий-сиёсий фикри тарихида муҳим ўрин тутди.

XIX аср иккинчи ярмидаги ижтимоий фикр тарихида Ожиниёз Қўсибой ўғли (1824—1878) ҳам муҳим ўрин тутди. Ожиниёз асарлари гуманистик идеялар билан сугорилган бўлиб, у инсон қадр-қимматини улуғлайди. Унинг фикрича, дунёдаги ҳамма нарса инсон учун хизмат қилмоғи керак, чунки дунёда энг азиз ва бебаҳо нарса — инсондир, дунёнинг кўрки — одам боласи, ҳақиқий инсонликнинг асосий шартларидан бири — халққа содиқлик, уни ҳурматлашдир.

Ожиниёз ўз халқининг озод ва бахтли бўлишини орзу қилди. Бироқ бунга эришиш йўллари унга номаълум эди. Лекин у ўзининг инсонпарварлик идеялари билан меҳнаткашлар оммасининг зулмга, инсон қадр-қимматини оёқ ости қилган феодал тузумга қарши курашига ҳисса қўшди.

Қунхўжа ва Ожиниёзнинг прогрессив идеялари Бердақ ва бошқа илғор ижтимоий фикр вакиллари демократик қарашлари шаклланишида ғоявий манба бўлиб хизмат қилди.

**БЕРДАҚ ИЖТИМОИЙ-СИЕСИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ
ҲАМДА УНИНГ СПЕЦИФИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

XIX аср қорақалпоқ халқи ижтимоий-сиесий фикри тарихида Бердақ алоҳида ўрин тутди.

Бердақ 1827 йилда ҳозирги Қорақалпоғистон АССР-нинг шимолий қисмида, Орол денгизи жанубий қирғоғида камбағал Қарғабой оиласида туғилди. Унинг асл исми Бердимурод бўлиб, Бердақ — унинг адабий тахаллусидир. Бердақ ёшлик чоғини қашшоқлик ва йўқчиликда ўтказди. Бердақнинг отаси — Қарғабой ўз оиласини балиқчилик қилиб боқар эди. Бердақнинг 10 ёшида ота-онаси ўлиб, етим қолди, ғариблик ва қашшоқликнинг барча азобларини тортди.

Бердақ овул мактабни битириб, мадрасага ўқишга кирди. Мадрасада у моддий жиҳатдан жуда қийналди ва ўқишни ташлаб кетишга мажбур бўлди. 1900 йилда Бердақ вафот этди. Бердақнинг бутун ҳаёти қийинчиликда, азоб-уқубатда ўтди. У бу қийинчиликларни эслаб, шундай дейди:

Дунёга келиб не кўрдим?
Кулфатда ўтди бу умрим,
На ўйнадим, ва на кулдим,
Ҳасратда ўтди бу умрим...

Не кўрдим мен бу дунёда,
Йўл кечиб чўлда, қиёда,
Кун сайин қайғу зиёда,
Кулфатда ўтди бу умрим...

Бердақ халқнинг бахт-саодатини, унинг эркини куйлади:

Ҳеч ўқинма, доғли диллим,
Сўзинг элга ибрат-билим,
Домм тилга олар элим.
Кетди даврон сурмай умрим...

Мен элга бахт етса, дедим,
Золим ўти ўчса, дедим,
Нсла чекиб, қайғу едил,
Эл ғамида ўтган умрим...

Бердақ фойдаланган ва унинг қарашлари шаклланиши учун маънавий манба бўлиб хизмат қилган ғоявий мерос ичида ҳуқуқсизликка, зўравонликка қарши, шахс эрки, ҳақиқат ғалабаси учун кураш ғоялари билан суғорилган халқ оғзаки ижоди муҳим ўрин эгаллайди.

Бердақ халқ оғзаки ижодини яхши билганлиги унинг асарларидан яққол кўриниб туради.

Бердақ, шунингдек, Шарқ поэзиясининг классиклари Фузулий, Навоий, Маҳтумқули асарлари билан ҳам яхши танин эди. Шоёр уларнинг ижодига юксак баҳо берди ва ўрганди.

Чор китобдан нари қочдим,
Навоийдан савод очдим,
Фузулийдан дурлар сочдим,
Доноларни излар эдим.

Маҳтумқулни ўқиганда,
Айтар эдим ҳар замонда,
Нуксон борми, беглар, анда,
Сўзин тавоф қилар эдим...

Бу сатрлар Бердақ ижодининг Фузулий, Навоий, Маҳтумқули мероси билан боғлиқлигидангина далolat бермай, балки унинг диний мактаб ва мадрасаларда ўқитилаётган нарсаларга скептик муносабатда бўлганлигини ҳам кўрсатади.

Бердақ ғоялари шаклланишида қорақалпоқ адабиёти демократик оқимининг атоқли вакиллари Жиенжиров, Кунхўжа, Ожиниёз ижоди ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Бердақ уларнинг ижодидан демократик идеяларни мерос қилиб олди ва ривожлантирди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Бердақ фойдаланган барча ижтимоий фикр ёдгорликлари орқали халқ оммасининг овози шонр қалбига бўғиқ ҳолда етиб келиши мумкин эди. Шунинг учун Бердақ дунёқарашининг асосий манбаини ғоявий меросдан эмас, халқ ҳаёти, у яшаган ижтимоий муҳитдан излаш керак. Эзилган халқ оммасининг ҳаёти, уларнинг эксплуатация ва ҳуқуқсизликка қарши норозилик билдиришлари, Бердақ демократик идеяларининг социал асоси бўлди.

Халқ ичидан чиққан ва у билан мустаҳкам боғлиқ бўлган Бердақ ҳақиқатни ўз тажрибасидан англаб олар-

ди. Доим овулма-овул юрувчи Бердақ қашшоқлик манзарасини, даҳшатли эксплуатация, ҳуқуқсизликини, меҳнаткаш оммининг қайғу-аламини, хон ҳокимияти вакиллари, бийлар, бойлар, мироблар, мулла ва эшонларнинг ўзбошимчаликларини кўрарди.

Бердақ ваҳшиёна эксплуатацияга қарши очиқ халқ ҳаракатларининг гувоҳи ҳам бўлди. Бу ҳаракатлар эзилган омма кайфиятини англатарди. Бўлиб ўтган бу халқ ҳаракатларидан ташқари мулкдорларнинг хўрлаш ва ҳақоратларига бардош бериб келаётган ҳар бир камбағалнинг хаёлида, яширин суҳбатларида қолган норозилик ва орзу-умидлар сон-саноксиз эди. Бердақ улар тўғрисида эшитмай, билмай иложи йўқ эди, чунки унинг ҳаёти эзилган омма ҳаётидан ҳеч нарса билан фарқ қилмасди. Шоирнинг доимий аудиторияси, муҳити ҳам худди мана шу омма эди.

Буларнинг ҳаммаси Бердаққа халқ ҳаётини чуқур ва кенг ўрганишга, тажриба тўплашга, темалар топишга имкон берди.

Бердақ шеърлар билан бир қаторда йирик бадиий поэмалар, чунончи: «Аҳмоқ пошшо», «Шежере» ва бошқа асарларни яратди. У ўз асарларида яшаган даври ижтимоий тузуми, бу тузум ҳимоячилари бўлган хонлардан тортиб, уларнинг ёрдамчилари — бийлар, бойлар, муллалар ва эшонларгача уларнинг шафқатсиз танқидчиси сифатида майдонга чиқди. Бунинг учун Бердақ мулкдорлар томонидан қувғин қилинди, хўрликка ва тўхматларга учради. Лекин бунга қарамай, Бердақ умрининг охиригача ўз ҳаётини адолатсизликка, зулмга қарши, халқ манфаати учун курашга бағишлади ва халқ куйчиси бўлиб қолди.

Бу замонда жабру жафо чекарман,
Қора кўздан қонли ёшлар тўкарман,
Золимларнинг зулмин кўриб сўкарман,
Куйганликдан жон қийналуру халқ учун...

Бердимурод ҳақиқатни излади,
Мудом элга тўғри йўлни кўзлади,
Евузлардан кўрқмай, ҳақни сўзлади,
Жон-танингни бердинг доим халқ учун...

Бердақ оташин шоир ва курашчи эди. Унинг ижоди сиёсий характерга эга бўлиб, зулм ва зўравонлик дунё-

сига, феодал-хонлар тузумига қарши чуқур нафрат ва ўз халқига муҳаббат ҳислари билан суғорилган эди. Бердақ ижтимоий-сиёсий қарашлари унинг асарларида ўз ифодасини топди.

Бердақ ижтимоий-сиёсий қарашларининг специфик хусусияти шундаки, у, даставвал, ўз ижодида камбағал деҳқонлар манфаатларини ҳимоя қилди. Унинг идеялари меҳнаткашларнинг эрксиз ҳаёти, халқ оммасининг феодал ижтимоий тартиблари асосига қарши норозилиги билан мустаҳкам боғлиқдир. Бердақ халқ оммаси манфаатлари билан боғлиқ бўлибгина қолмай, балки унинг яшаш шароитлари билан ҳам мустаҳкам боғлиқ эди:

Бердимурод, ўйлаб айтгил сўзингни,
Кўтарма, лоф уриб, фақат ўзингни,
Қизартмагай биров сенинг юзингни,
Қўлдан келса, хизмат айла халқ учун.

Етарсан муродга, гар хизмат этсанг,
Элинг йўллаганда ҳар қаён кетсанг,
Ҳар қачон душманинг бошига етсанг,
Аянмасдан, хизмат айла халқ учун...

Бердақ ҳаётнинг бутун мазмунини ўз халқига хизмат қилишда кўради. Унинг бутун хаёли халқда эди. Халқ унинг ҳамдарди эди. Бу эса шоир ижодининг демократик характерини белгилайди. Ўз ижодининг синфий характерини ифодалаб, Бердақ шундай дейди:

Улмас асло шонрлигим,
Эл йиғиси менинг йиғим,
Айтар сўзим — пўлат тўғим,
Кўрқмай кўрчи, ёвим менинг!

Ҳақиқатан Бердақ шеърлари эзилган оммининг феодал-хонлик тузумига қарши норозилиги ва газабининг ифодаси эди.

Бердақнинг ўз ўтмишдошларига нисбатан қорақалпоқ халқи ғоявий ўсиши ва унинг озодлик учун курашига қўшган янгилиги шундан иборатки, шоир меҳнаткашларни жабр-зулмга қарши курашга сафарбар қилишга антилди:

Бердимурод, ҳақиқатни излади,
Мудом элга тўғри йўлни кўзлади,

Евузлардан кўрқмай, ҳақни сўзладинг,
Жон-танингни бердинг доим халқ учун.

Қувват бергай сўзим нозик белларга,
Мадад бергай тоза гунча-гулларга,
Бахт келармикан бизнинг элларга?
Улгунча айтарман сўзни халқ учун...

В. И. Лениннинг улуг рус ёзувчиси Л. Н. Толстойга берган баҳосини характерлаб, шундай дейиш мумкин: Бердақ ўз асарларида эзилган кенг омманинг «кайфиятини ажойиб бир куч билан кўрсатиб бера олди, шу омманинг аҳволини тасвирлай олди, уларда стихияли равишда пайдо бўлган норозилик ва нафрат туйғуларини ифодалай олди»¹.

* * *

Бердақ ўз замондаги жамиятнинг ижтимоий тартибларини, унинг сиёсий тузумини қаттиқ танқид қилди. Ўз танқидида у гуманизм принципларига, меҳнаткаш омманинг ахлоқий тушунчаларига асосланди.

Бердақнинг фикрича, инсон учун энг олий бахт — бу ўз Ватанига, халқига ҳалол ва беғараз хизмат қилишидир. Инсон бахтининг манбаи ҳам худди ана шунда.

Ишни ишла, туғилгансан эл учун,
Жонингни аяма, элда эр учун.
Киндик қони томган азиз ер учун,
Ўлиб кетганингча хизмат яхшироқ...

Шоир бу тўғрида ўз тингловчиларига кўп асарларида ҳормай-толмай эслатади. Бердақ халққа хизмат қилишга чақирар экан, у, даставвал, тўғрилиқ, ҳақиқат-гўйлик, адолат, инсон қадр-қимматига ҳурмат билан қараш, эзилган ва ҳуқуқсизларни ҳимоя қилишни кўзда тутди. Бундай хислатларга эга бўлмаган кишини инсонга санаб бўлмайди. Бошқаларни қадрламаган, инсон қадр қимматини билмаган, камбағални ҳурмат қилмаган, йиғлаганларнинг бошини силамаганларни инсон деб бўладими, дейди. Бошқа бир жойда Бердақ, ўз халқни,

¹ В. И. Ленин, Асарлар, 16-том, Ўздавнашр, 348-бет.

шон-шарафи учун курашмаган, уни ерга урганларни инсон деб бўлмайди, бундайларнинг бўлганидан бўлмагани яхши, дейди.

Аммо Бердақ ўзи яшаган даврида зулм, адолатсизлик ҳукм сураётганини кўрди ва унга қарши нафрат тошларини ёғдирди:

Бу дунёга қара, юммай кўзингни,
Зулматлари ўтга тортар ўзингни,
Бефатво этади золим сўзингни,
Замон менга қора зиндон кўринди.

Адолат йўқ на бегида, на хонда,
Шодлик йўқ ғарибда, фақир инсонда,
Бебахт ўтмоқдамиз бу кенг жаҳонда,
Ҳамма сири менга аён кўринди...

Бизнинг замонимизда, — дейди Бердақ, — кимки бойликка эга бўлса, гарчи у ярамас, муттаҳам бўлса-да, ҳаёт меваларидан баҳраманд, ҳурматга сазовор бўлади, камбағаллар эса азоб-уқубатга, хўрликка ва камситишларга дучор қилинади. Бу ҳақда Бердақ шундай дейди:

Золимлар эзди, халқларни сонсиз,
Бетида қони йўқ, тамом виждонсиз,
Фақир, қуллар яшар бир бурда нонсиз,
Душманлар жафоси ўтти бу замон.

Бердақ ўзи яшаган даврнинг социал ҳодисаларини баҳолашда гуманистик принципларга асосланди. У меҳнаткашларнинг азоб-уқубатларига, оғир ҳаётига бефарқ қарай олмас эди. Шунинг учун халқ оммасининг, даставвал, даҳшатли эксплуатацияга маҳкум этилган деҳқонларнинг оғир аҳволи Бердақнинг диққат марказида турарди.

Бердақ ўз асарларида қорақалпоқ меҳнаткашлар оммасининг оғир аҳволини шундай тасвирлайди:

Кенг дунё менга тор, аломат бўлди,
Халқ учун йўл туман, чанг билан тўлди,
Қизил гулдай юзлар сомондай сўлди,
Ўтган дунё менга мазор кўринди...

Нуқул кўринади ўзимдай ғариб,
Фақир юзи сўлгин, ёшлиқдан қариб,

Огалар, мен айтай, қилмангиз айб,
Барчаси кўзимга ёлгон кўринди...

Зулм ва зўрликка қарши чуқур нафрат ҳислари билан тўлиб-тошган, юракқони билан ёзилган бу сатрлар Бердақнинг деҳқонлар оммаси билан узилмас алоқада бўлганлигидан, улар ҳаётини, кайфиятини яхши билганлигидан далолат беради. Шу билан бирга, бу сатрлар феодал ижтимоий тартиб ва унинг ҳимоячиларигагина қарши эмас, балки кишини киши томонидан эксплуатация қилишга асосланган ҳар қандай жамиятга қарши айбномадир.

Бердақ ўз асарларида феодал жамиятдаги ижтимоий ҳаётнинг типик кўринишларини акс эттирди. У ўзининг «Солиқ» шеърида солиқ системасининг оғир юкидан тинкаси қуриган камбағалларнинг мушкул аҳволини шундай тасвирлайди:

Бултургидан бу йил ёмон,
Қандай бўлди бу шум замон,
Камбағаллар қолмай омон,
Ўн тилладан келди солиқ.

Буни солди Нурибет «жон»
Буйруқ берди оталиқ, хон,
Халқ бўлсин деб хонадайрон,
Ўн тилладан келди солиқ.

Менга ҳеч гап, эшагим бор,
Сотиб берарман бир бозор,
Аттанг, шўрли оч Эрназар,
Ўнга қийин бўлди солиқ.

У фақирнинг нарсаси йўқ,
Қошки қорни бўлсайди тўқ,
Ҳаттоки бир товуги йўқ,
Довдиратди уни солиқ.

Уйда бир етим болалар,
Томоқ, нон деб зор йиғларлар,
Юрак-бағрини тигларлар,
Жуда қийин бўлди солиқ...

Солиқ ундирувчилар, дейди Бердақ, камбағалларнинг ночорлигига, кўз ёшига ҳам қарамайдилар. Зўрлик билан улардан солиқ ундирадилар, лекин бойлар, мулла-эшонлар солиқ тўлашдан озоддирлар.

Ундиради оч халқдан,
Етимлар йиғлар хорликдан,
Бой омон қолди солиқдан,
Тухмат тўлов бўлди солиқ...

Анов мачит ёруғланган,
Меҳробияда чироқ ёнган,
Қуръон очиб халқни сўрган,
Эшонларга йўқдир солиқ...

Бу сатрларда Бердақ солиқ йиғишдаги адолатсизликка қарши ўз нафратини ифодалайди ва халқни хон амалдорларига тўғридан-тўғри қаршилик кўрсатишга, солиқларни тўламасликка чақиради. Бердақ «Бу йил» деган шеърида вайронлик, очликнинг даҳшатли манзарасини беради, ариқ тозалаш ишларида миробларнинг зулм ва адолатсизлигини тасвирлайди:

Ариққа бордик озиқсиз,
Едик таёқни ёзуқсиз,
Бойлоқли турдик қозиқсиз,
Қазув оғир бўлди бу йил.

Лойли тозалар чаққони,
Шу ерда битди топгани,
Урди мироб, чиқди қони,
Шундай қирғин бўлди бу йил.

Ҳамма юрар яланг оёқ,
Бари жулдуз, йиртиқ, ямоқ,
Шувада ҳам мироб урар таёқ,
Оғир ишлар бўлди бу йил...

Мана шундай оғир меҳнат, азоб-уқубат билан ариқни камбағаллар қазийди, дейди Бердақ, лекин сувдан бойлар фойдаланадилар, деҳқонлар эса сувсиз қоладилар. Бунинг сабаби, дейди шоир, миробларнинг порахўрлиги, бойлар билан тили бирлигидир.

Сув келмади отизларга,
Сув очилди кучи борга,
Оқсоқ мироб — қора қарга,
Бойлар билан юрди бу йил.

Ерларимиз бўлди оёқ,
Сувни очиб едик таёқ,
Мироб юриб доим саёқ,
Қиш озиксиз қолдик бу йил.

Қимлар бизга бўлсин ёвуқ,
Экинларни урди совуқ,
Бир бурда нон, ёвгон ош йўқ,
Очлик ёмон бўлди бу йил.

Бу манзара шоирни ўз халқи тақдири ҳақида ўйловчи. адолатли, инсоний муносабатлар тарафдори бўлган му- тафаккир сифатида характерлайди. Бу ерда Бердақ, ҳамма нарса мулкдорларнинг бойлик орттириши учун, деган фикрни олға суради. У ўз асарларида бойлар би- лан камбағаллар манфаати қарама-қаршилигини, улар- нинг жамиятда тутган ўринлари турличалигини кўрсатиб беради. Ўз батракларини ғадойлик даражасига етказган бой ҳақида ҳикоя қилиб, бойни бой қилган, яъни бойлик яратувчилар — батрак, камбағаллардир, деган фикрни ифодалайди. Бу социал адолатсизликдан чуқур ғазаб- ланган Бердақ: «Бу замонда тенглик борми, қани у?», — деб хитоб қилади ва бу саволга ўзи жавоб беради:

Қанчалар оч, қанчалар тўқ,
Тўқ одамлар қайғуси йўқ,
Очларнинг ҳеч уйғуси йўқ,
Уни тўқлар билган эмас...

Эшонларда мурувват йўқ,
Бой-бийларда адолат йўқ,
Фуқарода саодат йўқ,
Халқ ҳеч ўйнаб кулган эмас.

Эй ёронлар, сиртим бутун,
Бағрим ёниб бўлди тутун,
Золим ошириб ўз ҳаддин,
Асло раҳм қилган эмас.

✓ Халқнинг аҳволи, унинг орзу-истаги, туйғу ва кайфи- яти Бердақ ижодида асосий ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам унинг энг муҳим темалари — камбағаллик ва бойлик темасидир.

Бердақ эксплуататорларни қўллаб-қувватлаган, улар- га халқни аёвсиз талаш учун кенг йўл очган, ўз меҳнати билан моддий ноз-неъматлар яратаётган, меҳнаткашлар- ни эса муҳтожликка маҳкум этган ҳукмрон ижтимоий муносабатлардан қаттиқ ғазабланади ва ўз асарларида ана шу муносабатларнинг адолатсизлигини ёрқин кўрсат- тиб беради, халқ қонини зулукдек сўраётган золимларга қарши чуқур нафрат билан ҳужум қилади. Бу золим- лар — бийлар, оталиқлар, бойлар, мулла ва эшонлар, турли кўриниш ва турдаги амалдорлардир. Бердақ улар- ни меҳнаткашларни талаш ва алдаш ҳисобига яшаётган, ягона мақсади бойлик орттиришдан иборат бўлган пара- зитлар сифатида тасвирлайди. Халқнинг қашшоқликда яшашига асосий сабаб мана шулардир, деб билади у.

Шунингдек, Бердақ меҳнаткашларни аёвсиз эксплуа- тация қилган бойлардан раҳм-шафқат кутиб бўлмайди, дейди ва уларнинг ҳаммаси ҳам халқнинг ашаддий душ- манлари, деб кўрсатади.

Ўйласанг бу дунё бепоён экан,
Душман иши халққа кўп зиён экан,
Бойлар — қашқир, тулки, халқ қуён экан,
Қоронғу қоплаган бу қайғу замон...

Ёки

Ўзи учун бел боғласа,
Қашшоқлар зор-зор йиғласа,
Юрак-бағримни доғласа,
Бойдан мурувват бўлмади...

Шундай қилиб, Бердақ замондош феодал жамияти- нинг бир-бирига қарама-қарши бўлган икки социал группага бўлинганлигини ва уларнинг манфаатларини келиштириб бўлмаслигини кўрди. Эксплуататорлар груп- пасини хон, бой, бий, оталиқ, эшон ва муллалар ташкил қилса, жамиятнинг иккинчи социал группасини камба- ғаллар, деҳқонлар ташкил қилади. Лекин Бердақ синф- ларнинг келиб чиқиши, жамиятнинг икки қарама- қарши синфларга бўлинганлиги иқтисодий сабабларини билиш даражасига кўтарила олмади. Шунга қарамасдан, у ўзига замондош бўлган жамиятда барча бойликлар

эксплуататорлар қўлида тўпланганлигини, меҳнаткашлар оммаси яратган ноз-неъматлардан бойлар фойдаланаётганлигини, натижада халқ оммаси қашшоқликда яшашга мажбур бўлганлигини англади. Шунинг учун ҳам Бердақ кишиларни бойларга ва камбағалларга бўлди.

Бердақ эзилган омма турмушини эксплуататорлар турмушига таққослаб, феодал жамиятдаги социал ва синфий тенгсизлик масаласини кескин танқид қилди:

Қанчалар оч, қанчалар тўқ,
Тўқ одамлар қайғуси йўқ,
Очларнинг ҳеч уйғуси йўқ,
Уни тўқлар билган эмас...

Эшонларда мурувват йўқ,
Бой-бийларда адолат йўқ,
Фуқарода саодат йўқ,
Халқ ҳеч ўйнаб кулган эмас...

Бердақ бойларга қарама-қарши, оғир зулмдан жабрланишига қарамай, инсоний қадр-қиммат, виждон ва ватанпарварликни улуғлайди, меҳнаткаш оммага нисбатан меҳр-муҳаббат ва садоқатни тасвирлайди ва:

Халқнинг қонин сўрган сурбет, бевиждон,
Ҳаммангдан биздай бир қашшоқ яхшироқ,

деб куйлайди ҳамда камбағалларни эксплуататорларга қарама-қарши қилиб қўяди.

* * *

Бердақ ўз асарларида халқ оммасининг оғир аҳволини ёритиш, феодаллар ва руҳонийларни фош қилиш билан чекланиб қолмай, балки теварак-атрофдаги ижтимоий адолатсизликларни умумлаштирувчи социал ҳўло-салар чиқариш даражасига кўтарила олди ҳамда Хива хонлигининг бутун маъмурий ва сиёсий идора усулини фош қилди. Хон, унинг ёнидаги лаганбардорлар ва халқ оммасини талашда ҳеч нарсадан тоймайдиган текинхўр чиновниклар шоирнинг ғазабли танқидига учрайди.

Бердақнинг айтишича, халқ оммасининг фожиали аҳволда қолишининг сабаби хон ва чиновникларнинг бераҳмлиги, халқ тақдирига бефарқ, бепарво қарашлигидадир. Унинг фикрича, халқ устидан қилинаётган ўз-

бошимчалик, адолатсизлик ва зулмнинг асосий сабабчиси хонлардир.

Одамга бемехр жаллод — беомон,
Элни кўп йиғлатар оталик ва хон,
Бошга оғир мулфат бўлди бу замон,
Менга бари илон-чаён кўринди.

Шунинг учун, дейди Бердақ, бу золимларнинг қилмишларини кўриб, индамай тура олмайман, чунки халқнинг оғир аҳволи юракни эзади. Бердақ хонларнинг золимлигини нафрат билан қоралаб, улар халқнинг фаровонлиги ва эркин яшаш учун ҳеч қачон ғамхўрлик қилмаганлигини доимо ўз халқига эслатиб келди.

Золимлар тингламас фақирнинг зорин,
Улар ўйлар ўз фойдасин, ўз қорнин,
Ҳеч қачон золимлар қўлдаги борин —
Эп кўрмаслар бор бўлса-да, халқ учун.

Бердақ хонлар амалпараст, икки юзлама, лаганбардорлик ва мунофиқликни сеувчи кишилардир, деб хактерлайди. Бу билан у Хива хонлигининг давлат тузумига бўлган ўз муносабатини ифодалайди. Бу муносабат «Аҳмоқ пошшо» деган асарда ёрқин ифодаланади. «Аҳмоқ пошшо» поэмаси типик воқеликка асосланган. Бунда шоир Хива хонлигининг зулми ва зўравонлигини очиқ кўрсатади ва фош қилади. Дадиллик билан баён қилинган фикрлар шоирнинг граждонлик мардлигидан ва хон ҳокимиятига қанчалик нафрат билан қараганидан дарак беради.

Бердақ золим хонларга қаратиб:

Ерма, золим, титроқ, сўлғун юракни,
Эркимга қўй, бермасанг ҳам тилакни...

деб ўзининг золимга бўлган муносабатини дадил айтади. Бошқа ерда Бердақ шундай дейди:

Сўзим ўлмас, доим тирик қоламан,
Халқим бор-ку, ёвдан ўчим оламан,
Қўрқмай ундан, яйраб хандон соламан,
Яшнамоққа бўлмаса-да, бу замон.

Бердақ эксплуататор синфлар билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат ҳокимияти ўртасида-

ги алоқадорликни тушуниш даражасига кўтарила олди. У хонлар продасини йўлга солувчилар, унга йўл-йўриқ кўрсатувчилар — беклар, иноқлар ва бошқа амалдорлардир, дейди:

Дунё яралгандан бери,
Подшоҳ одил бўлган эмас,
Шоирлар қадам олганда,
Хатга тўғри солган эмас.

Иноқу бекнинг боллари
Ҳар нега етди қўллари,
Очиқ, кенг эди йўллари,
Ҳеч вақт ҳориб, толган эмас...

Бердақ ўз асарларида зўравонлик ва ўзбошимчалик билан халқни эзувчи хон амалдорларини ҳам қаттиқ фош қилди. Булар — вазир, султон, бек ва қозилардир. Бу бевиждон золимларнинг юраги,— дейди шоир,— муздан ҳам совуқ, халқни эзишда ва талашда хоннинг асосий ёрдамчилари шулардир, чунки:

Шаҳзодалар, хону беклар
Ҳеч адолатли бўлмади.

Бердақ давлат аппарати бойлар қўлида бўлиб, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишини тушунади. Бойлар нима қилса ҳам, улар ҳақ, дейди шоир, чунки ҳокимият ҳам, обрў ҳам шуларда, камбағаллар қўлида оҳу-зор ва қашшоқликдан бошқа нарса йўқ. Бу адолатсизликка қарши шикоят қилиш ҳам мумкин эмас, чунки ўзингни айблайдилар, дейди у, ва кишини киши томонидан эксплуатация қилишга, зўравонликка асосланган бу ижтимоий тузумга чуқур норозилик билдириб, «ҳақиқат қайда», биз шўрликка «ёз келурми?», «қорақалпоқ шу қора умрингдан зиндон яхшироқ» деб хитоб қилади.

Бердақ томонидан феодал-хонлик тузумини, кишини киши томонидан ваҳшиёна эксплуатация қилишга асосланган ижтимоий муносабатларни фош қилиш ўша шароитда муҳим сиёсий аҳамиятга эга эди. Бердақнинг хизмати шундаки, у хон ва унинг хизматида бўлган амалдор, бойларга чуқур нафрат туйғуларни билан суғорилган асарлари орқали хонлар ва барча эксплуататорларнинг ҳайвоний башараларини очиб кўрсатди, уларни

халқнинг душманлари, жаллодлари сифатида фош қилди. Бердақ, бу билан, ўзларини кишилар тақдирини ҳал қилувчи ва худонинг ердаги вакили деб кўрсатган хонлардан муқаддаслик ва бенуқсонлик ниқобини юлиб ташлади. Унинг феодал-хонлик тузумига қарши кураши халқ оммасида бу тузумга нисбатан нафрат ва ғазаб ҳисларини кучайтирарди ҳамда уларда зўравонлик ва зулмат дунёсига қарши кураш зарурлигини англашга замин тайёрларди.

Шуни эслатиб ўтиш зарурки, Бердақ феодал-хонлик тузумини фош қилишда уни идеаллаштириш мақсадида эмас, меҳнаткашлар оммаси манфаатларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан танқид қиларди:

Шажарадан кўрдим ўтмиш кунларни,
Ғариб-ғасар азоб кўрган тунларни,
Душман қийноғида жигар хунларни,
Қоронгу қоплаган қайғу бу замон...

Бердақ «Аҳмоқ пошшо» асарида ўтмишга бўлган муносабатини янада аниқроқ баён қилади:

Тенглик топмай, хўрлик билан,
Кунлар кўриб, торлик билан,
Эркисиз бўлиб, зўрлик билан
Халқ ҳайдовда юрган экан.

Хўрлик, ғазаб ҳеч орилмай,
Золим қонига қорилмай,
Қора булут қоқ ёрилмай,
Халқ қора кун кўрган экан...

Шу билан бирга, Бердақнинг «Шежере» асаридаги нотўғри ва заиф идеялар ҳақида ҳам гапириб ўтиш зарур. Шоир бу асарида қорақалпоқ халқининг тарихий ўтмишини ёритиб беришга ҳаракат қилади. Бу ерда шунини айтиб ўтиш керакки, Бердақ «Шежере»нинг биринчи қисмида Чингизхоннинг келиб чиқиши ҳақида гапириб, унинг Урта Осиё халқларига нисбатан қилган босқинчиликлари ва бошқа ваҳшиёна қилмишлари ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайди. Бердақнинг айтишича, гўё Чингизхон даврида халқ эркин яшаган. Дарҳақиқат, Бердақдан халқнинг тарихий ўтмишини илмий ёритиб

беришни талаб қилиш мумкин эмас, албатта, чунки у ижтимоий ҳодисаларни тушунишда идеализм донрасидан чиқа олмаган эди. Бироқ, Бердақ томонидан Чингизхон даврининг маълум даражада идеаллаштирилиши ҳақиқатга мутлақо қарама-қарши бўлган нотўғри фикр-дир,— бу Бердақ қарашларининг энг заиф томонларидан биридир. Лекин камчилик ва хатоларга қарамасдан, Бердақнинг «Шежере» поэмаси қорақалпоқ халқи тарихини ўрганиш учун маълум даражада манба бўла олади. Бунда Бердақ халқнинг ўз тарихи ҳақидаги айрим қарашлари ва тушунчаларини биринчи мартаба адабий шаклда ёритиб беришга интилган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, «Шежере» поэмасининг иккинчи қисми хон ва бийларнинг халққа қарши қилган хиёнатларини, айниқса Хива хонининг зулм ва зўравонлигини очиб ташлайди ва ўқувчида бу реакцион кучларга қарши нафрат ҳисларини уйғотади.

Бердақ ўз асарларида хонлик ижтимоий тузумига нисбатан халқ оммасида ғазаб ва нафрат туйғуларини кучайтириш билан бирга, унга қарши кураш зарурлиги ҳақидаги фикрни усталик билан ифодалайди. Бердақ ўзининг бир қанча асарларида маълум даражада шу фикрни уқтиришга ҳаракат қилади.

Бу жиҳатдан унинг «Омонгелди», «Айдос бобо», «Аҳмоқ пошшо» ва бошқа тарихий дostonлари диққатга сазовордир.

Маълумки, қорақалпоқ халқи ўз озодлиги учун зolim хонлар зулмига қарши узлуксиз кураш олиб борди. Бу кураш очик қўзғолонларда ҳам намоён бўлди. Айниқса XIX асрда Хива хонлиги зулмига қарши кўтарилган қўзғолонлар, шу жумладан 1855—1856 йилларда юз берган қўзғолон қорақалпоқ халқининг озодлик ҳаракатида катта аҳамиятга эга бўлди. Бу ҳаракатнинг бошланишига асосий сабаб — Хива хонлигининг қорақалпоқларга ўтказган қаттиқ зулми, сон-саноқсиз оғир солиқлари бўлди. Қўзғолонга Хива хонлигига қарши оппозицион кайфиятидаги уруғ бошлиқлари группасидан бўлган Эр-назарбий раҳбарлик қилди. Хива ҳукумати бу оппозицион группадагиларга бошқа уруғларга нисбатан кўпроқ зулм ва жабр ўтказган эди. Бу оппозицион группа ўз сиёсий мақсадлари бўйича халққа маълум даражада яқинроқ эди. Бу мақсад — Хива хонлиги зулмидан озод бўлиш, барча қорақалпоқ уруғларини ягона ҳоки-

миятга бирлаштиришдан иборат эди. Шу мақсадда Эр-назар Зорлиқни қорақалпоқлар хони қилиб, ўзини эса Қушбеги деб эълон қилди. Эрназар қўзғолонга бош бўлгандан кейин, халқ оммасига таянишдан қўрқмади. Бироқ, Эрназар қорақалпоқ бийлари, уруғ бошлиқлари ва бошқа эксплуататорларнинг манфаатлари билан меҳнаткаш халқ манфаати ўртасида келиштириб бўлмайдиган қарама-қаршилик борлигини тушуниш даражасига кўтарилмаганди. У ўз фаолиятида бий, оталиқларга суянди. Қўзғолон бошланиш даврида Эрназарга қўшилган барча бийлар кейинчалик хиёнатчилик қила бошлайдилар. Кенегесга ўхшаш бийлар эса очикдан-очик сотқинлик қилиб, Хива хони томонига ўтади ва қўзғолонни бостиришга ёрдам беради. Шунга қарамасдан, Эрназар-бий охиригача курашишга қарор қилади.

Шоирнинг айтишича, Эрназар ўзи ёлғиз қолганда ҳам, хонга таслим бўлишдан бош тортди, хоннинг сулҳ тузиш ҳақидаги таклифларини рад қилди.

Бердақ хиёнаткор бийларга ғазаб билан қарайди, қўзғолоннинг мағлубиятга учрашига сабаб — шуларнинг сотқинлиги, деб билади. У, бу сотқинларга қарама-қарши ўлароқ, Эрназарнинг хонга қарши курашда мардлик кўрсатганлигини завқ ва муҳаббат билан куйлайди:

Зolim беклар қилмишидан,
Бирликин бузган ишидан,
Шумларнинг бу хурушидан,
Ғофил эди Эрназарбий.

Гўр ўғлидай полвон эди,
Қатордаги қўшнор эди,
Юртга жуда даркор эди,
Шаҳид ўлди Эрназарбий.

Мардонавор қондан кечди.
Ўз кафанин ўзи бичди,
Мард умрин чироғи ўчди,
Шаҳид ўлди Эрназарбий.

Бердимурод ҳақнинг қули
Саҳрода қолган булбули,
Бий ўлса, тиракку эли,
Едда қолди Эрназарбий..

Бу билан Бердақ ўз китобхонларига хонга қарши курашни давом эттиришни, бу курашда Эрназардай мард курашчи бўлиш зарурлигини уқтиришга ҳаракат қилади. Бу идея Бердақнинг «Омонгелди» достонида айниқса ёрқин ифодалангандир. Бу поэмада ҳам Бердақ ўз халқининг золим хонларга қарши кураш тарихини кўрсатади. Поэманинг асосий қаҳрамони — Ҳасан ва Омонгелди. Булар халқнинг ор-номуси учун хонга қаршилик кўрсатадилар. Хон Ҳасанни дорга оседи. Ҳасаннинг ўчи учун Омонгелди хон калласини олади. Бердақ уни шундай таърифлайди:

Остирди дорга Ҳасанни,
Эл деб Ҳасан берди жонни,
Уни эзган золим хонни
Калла қилди Омонгелди...

Қайтмади у бекдан, хондан,
Ҳам кечолди ширин жондан,
Омонгелдининг қўлидан
Қутилимоғи гумон келди.

Омонгелдини халқ манфаатлари учун курашувчи қаҳрамон сифатида таърифлаб, Бердақ ўз ватандошларини Омонгелдидай бўлишга чақиради.

Омонгелдидай бўлмоққа,
Бориб хондан хун олмоққа,
Калла кесиб, жон олмоққа
Қай бирининг чаманг келди.

Халқ оммасининг ўтмишда хонлар зулмига қарши курашини улуглаш Бердақ асарларида халқни золимларга қарши курашга чақиритишга айланади. Бердақнинг ўтмишдаги халқ қўзғолонларига мурожаат қилиши тасодифий эмас. У халқ оммасининг ўтмишдаги қаҳрамонона курашини мавжуд зулм ва зўравонликка қарши курашга сафарбар қилиш учун фойдаланди. Бу Бердақнинг ўз ўтмишдошларига нисбатан қорақалпоқ ижтимоий-сиёсий фикрига қўшган сифатий янгилigidир.

Бердақ эркинлик, адолат ва бахт учун ўзини қурбон қилган халқ қаҳрамонларининг зулмга қарши кураш

тажрибаларини умумлаштириб, жабр-зулмга асосланган ижтимоий тузум йўқ бўлишига, озодлик ва адолат ўрнатилишига ишонч билдиради. Шоир халқнинг ижодий кучларига ва золимлардан қасос олиш пайти келишига ишонади. У золимларнинг зўравонлигига меҳнаткаш халқнинг куч-қудрати, ҳақлиги ва ахлоқий устуңлигини қарама-қарши қилиб қўяди. Бердақ, халқнинг кучи туғанмасдир, замон яхшими-ёмонми ўтади, лекин халқ абадий яшайди, шунинг учун халқнингни сев, унга содиқ бўл, халқни ҳозир эсалар-да, у ўз кучини кўрсатади, пировардида халқ енгади, чунки куч — халқдадир, дейди.

Халқнинг порлоқ келажакка ишонган Бердақ бу келажак ўз-ўзидан келмаслигини, бунинг учун ҳаракат қилиш зарурлигини, зулм ва адолатсизликка қарши кураш лозимлигини англаганди. У: «Халқим қорақалпоқ, белингни қачон ростлайсан, қачонгача бий ва оталиқлар ўзбошимчалик қилиб сени эзди? Бу ҳаётми ёки зиндон? Халқ чекинма, душманга қарши дадил бор», — дейди. Бердақ фикрича, золимликка қарши кураш муваффақиятли бўлиши учун бирдамлик зарур, бирдамлик бўлгандан кейин ҳеч қандай куч хавfli эмас. Шунини айтиб ўтиш керакки, Бердақнинг бирдамлик ҳақидаги тушунчаси умумий ва абстракт тушунчадир, чунки у кимнинг ким билан бирлашиши зарурлиги ҳақида гапирмайди. Лекин Бердақнинг ўша оғир ва қоронғу даврда золим хонларни зўрлик ишлатиш орқали йўқотиш зарурлиги ҳақидаги идеяси катта аҳамиятга эга эди. У ўз ижоди билан халқни курашга илҳомлантirdи.

Бердақ ижоди демократик идеялар билан суғорилганлиги юқорида келтирилган намуналардан яққол кўрилади. Шунингдек, шоир асарларининг айрим намуналарида ҳатто революцион тенденциялар ифодалангандир.

Лекин Бердақнинг жамиятда ҳукм сурган зўравонлик ва зулмга қарши кураш ҳақидаги тасавури умумий ва ниҳоят оддий тасавур эди. У эксплуатацияга асосланган ижтимоий тузумни бошқа бир ижтимоий тузум билан ўзгартиришни таклиф қилмади. Бердақ орзу қилган бахтли ва адолатли жамият — бу абстракт тушунча эди, холос. Бундан ташқари, Бердақ зулм ва зўравонликдан қутилиш йўллари ҳам аниқ ифодалай олмади. Унинг ҳукмрон ижтимоий тузумга нисбатан қилган қаршилиги,

қатъий норозилиги, исёнчилиги стихияли характерда эди.

Бердақ ижтимоий-сиёсий қарашларининг энг юқори нуқтаси — мавжуд ижтимоий тузум адолатсиз эканлигини чуқур англаш, халқ душманлари — золим хонлар, бойлар ва чиновниклардан қасос олиш, халқнинг порлоқ келажакка ишонч билдиришдан иборатдир. Бироқ Бердақ халқнинг ғалабага қандай эришиши мумкин, ғалаба натижасида ҳаёт қандай формада бўлади деган ва шунга ўхшаш саволларга жавоб беролмади. Бердақ ижтимоий-сиёсий қарашларининг қарама-қаршилиги ва чекланганлиги яна шундан иборатки, унинг ижодида ижтимоий тузумга қарши кураш, эксплуататорларни фош қилиш ва ҳатто улардан қасос олиш зарурлигини уқтириш идеялари билан бирга, унда дилҳасталик, ғоявий ва ахлоқий ёлғизлик, ёрдам учун худога ёлбориш, ночорликда ўтган умрга ачиниш, ундан нолиш каби саҳифалар ҳам йўқ эмас.

Бердақ ўз замонасининг фарзанди эди. У ўзига замондош бўлган жамият доирасидан, ўша давр муҳитидан четга чиқа олмасди, албатта. Бердақ дунёқарашининг қарама-қаршилиги ва чекланганлиги ўша давр қорақалпоқ жамиятининг хўжалик, ижтимоий ва маданий қолоқлиги билан белгилангандир. Унинг қарашларида дилида алам ва хўрлик, қаҳр-ғазаб ва умидсизлик яшинган, лекин тарқоқ, онда-сонда бўлиб турадиган қўзғолонлардан (исёнлардан) бошқа ҳеч нарсага қодир бўлмаган қолоқ деҳқонлар кайфияти ва орзулари ўз аксини топгандир.

Бердақ жамият ривожланиш қонунларини билмасди. Ижтимоий ҳодисаларни идеалистик тушуниш позициясида турувчи ҳар қандай мутафаккир сингари Бердақ ҳам замондош жамиятнинг социал-иқтисодий асосларини билмади. Шунинг учун ҳам у жамият ҳаётида юз бераётган барча ҳодисалар ҳокимият тепасида турган кишиларга боғлиқдир, деб билди. Унинг фикрича, ҳокимиятни бошқарувчи ҳокимлар ўз фуқароси, халқ фаровонлиги ҳақида ғамхўрлик қилиб, давлатни адолат билан бошқарганда эди, халқ бундай азоб-уқубат тортмаган бўларди. Бердақ фикрича, халқ ҳокимларга эмас, аксинча, ҳокимлар халққа хизмат қилмасқлари лозим. Хон ва унинг чиновникларини танқид қилишда Бердақ мана шу тушунчага асосланди.

Бердақ ўз асарларида, умумий формада бўлса-да, адолат ва бахт ҳукм сурган жамият ҳақидаги орзусини ифода қилди:

Шоҳида булбул сайраган,
Боғлари гул-гул чаман,
Кун нурлари яшнаган,
Еруғ дунё керак менга...

Юртлар бўлиб манзил-манзил,
Қишлоғига қўнганди эл,
Бўлса эди бир хилча бел,
Еруғ дунё керак менга...

Ҳар йигити арзир жонга,
Уч десанг, учар осмонга,
Ўзини урар душманга,
Еруғ дунё керак менга...

Соясин солган фақирга,
Сувлар оқизган тақирга,
Йўл кўрсатган ҳар сўқирга,
Эл ғамхўри керак менга,

Белини маҳкам бойлаган,
Ўзини жангга шайлаган.
Элу юртини ўйлаган —
Эл ғамхўри керак менга,

Бердақ бахтли ва адолатли жамият одил ва доно подшо пайдо бўлишига боғлиқ, деган тушунчани олға суради ҳамда ўзининг бутун ижоди ва фаолиятини мана шу орзуларни рўёбга чиқариш йўлларини излашга бағишлаганлиги ҳақида шундай дейди:

Излар эдим мен отамни,
Кечиринг, бўлса хатомни,
Шод қилиш учун Ватанни,
Бахт йўлини излар эдим..

Чўзмағил қўлингни бекор,
Ўйлаиб, тўғри йўлдан бор,
Бўлса гар ақлли сардор,
То топкунча излар эдим.

Бердақнинг одил ва доно подшо ҳақидаги тушунчаси унинг «Равшан» деган асариди ёрқин ифодаланган.

Демак, Бердақ мамлакатни виждонлик, одил, халқ манфаатларини биринчи ўринга қўювчи кишилар идора қилиши ҳақида орзу қилган. Унинг фикрича, фақат мана шундай адолатли кишиларгина халқнинг зулм ва зўравонликдан, қашшоқлик ва эрксизликдан қутилишига имконият яратади,— бу фикр Бердақнинг ҳаёлий орзуси эди.

Кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишини, хусусий мулкчиликни тугатмасдан туриб, халқ орзусини рўёбга чиқариш мумкин эмас эди. Бердақ буни тушунишдан узоқ эди. Унинг доно ва одил подшо ҳақидаги фикрлари давлатнинг синфий моҳиятини билмаганлигидан ҳам дарак беради.

Лекин Бердақнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари чекланганлиги ва камчиликларига қарамасдан, қорақалпоқ халқининг маънавий ҳаётида катта роль ўйнади.

* * *

Ижтимоий ҳодисаларни тушунишда идеалист бўлган Бердақ ёмонлик ва ёвузликлар сабабларини ҳукмрон синфларнинг феъл-атворлари, ахлоқий нормаларидан ахтарди. Унинг фикрича, хон ва беклар, бой ва амалдорлар илмли ва ақлли бўлиб, амал ва бойликка учмаганларида, халқ олдида ўзларининг ахлоқий бурчларини тўғри тушунганларида эди, жамиятда адолатсизлик, зўравонлик бўлмас эди. Мана шунинг учун ҳам унинг ижтимоий қарашларида ахлоқ масалалари катта ўрин тутди.

Бердақнинг ахлоқ масалаларига катта аҳамият беришининг яна бир сабаби шундаки, у ҳукмрон синфлар таянган диний ахлоқий нормаларга қарши норозиликни ифода қилди. Лекин Бердақ муайян бир ахлоқий система яратолмади. У ўз асарларида умуминсоний ахлоқ нормаларини тарғиб қилишга уринди.

Бердақнинг ахлоқий қарашлари феодал-патриархал ваҳшийликка қарши қаратилган эди ва шунинг учун ҳам у ижтимоий тараққиёт учун хизмат қилди. Бу қарашларда ислом динининг айрим ахлоқий доғмаларига норозилик билдириш, айрим ҳолда уни очиқ танқид қилиш муҳим ўрин эгаллайди. Бунинг сабаби шундаки, ислом дини Шарқ халқларининг, жумладан Ўрта Осиё халқларининг ҳаётида катта роль ўйнаган эди.

Ислом дини инсон фаолиятининг барча томонларини ўзига бўйсундирарди. Унинг ахлоқий нормалари эски урф-одатларни сақлаб, инсон ҳаётининг барча икир-чикирларини ҳам ўз ичига олган ҳамда мусулмонлар учун бажариш мажбур бўлган урф-одат ва қоидаларни ўрнатган эди. Мана шунинг учун ҳам Ўрта Осиё халқларининг кўпчилик маърифатпарварлари, жумладан Бердақ ҳам, ислом динининг айрим ақийдаларига ва ахлоқий нормаларига қарши курашдилар. Албатта, ислом дини ахлоқини танқид қилишда барча маърифатпарварлар бир хил эмас эдилар. Баъзилари диний ахлоқ нормаларини очиқ танқид қилсалар, бошқалари яширин, киноя билан норозилик билдирардилар.

Бердақ руҳонийларнинг инсоннинг бутун хатти-ҳаракати, юриш-туриши дин кўргазмасига асосланиши керак, чунки одоб, ахлоқ диндан ажралмасдир, деган фикрларига қарама-қарши фикрни баён қилди. Унинг фикрича, кишининг юриш-туришини назорат қилувчи асосий куч — бу худо олдида эмас, балки жамият олдида, халқ олдида масъулиятни сезишдир.

Бердақ инсонга ор-номус, ақл керак дейди. Шунинг учун у ўз китобхонларига нодон, беномус руҳонийлар ташвиқотларига қулоқ солмасдан, доно, оқил кишилардан одоб ва ақл ўрганиш зарурлигини уқтиради ва шундай дейди:

Нодоннинг тилин олманглар,
Емонга ёвуқ борманглар.

Лекин Бердақ ахлоқий тушунчалар жамиятнинг моддий ҳаёт шароитларига боғлиқлигини тушунмасди. У ўз фикрларини насиҳат тариқасида ифода қилди ва шу орқали одоб, инсоний ахлоқ нормаларини тарбиялаш мумкин, деб билди. Бу чекланишга қарамасдан, шоирнинг ахлоқ ҳақидаги фикрлари бу соҳада олға ташланган қадам эди. Бердақнинг халққа хизмат қилиш, жамият манфаатини шахсий манфаатдан афзал деб билиш ҳақидаги фикрлари ҳозир ҳам катта аҳамиятга эга.

Бердақ руҳонийларнинг инсон иродаси эркин эмас, худо томонидан белгиланган, инсон иродасиз махлуқ, унинг юриш-туриши, барча ахлоқий ҳаракатлари пешонасига ёзилган деган тарғиботини ҳам танқид қилди.

Маълумки, барча динларга ўхшаш ислом дини ҳам бу дунё ҳақиқий дунё эмас, шунинг учун инсон нариги

дунё ҳақида ўйлаши лозим, «бу дунёда қанча қийинчилик чексанг, нариги дунёда шунча роҳат кўрасан», деб ўргатади. Бу идеалистик диний таълимот Урта Осиёда кенг тарғиб қилинарди. Бердақ бунга қарама-қарши ўлароқ, гуманизм принципларини, инсоний муҳаббат, ватанпарварлик, дўстлик, бахтга эришиш зарурлигини пропаганда қилди.

Бердақнинг фикрича бахт ўз-ўзидан келмайди, унга эришиш учун актив ҳаракат қилиш зарур. Ҳамма нарса худо амри билан бўлади, деб тақдирга ишониб юришдан бахт келмайди, дейди. Пассивлик билан тақдирга сиғиниш Бердаққа ётди. У кишини актив ҳаракат қилишга чақиради ва бахтсизликни енгиш мумкинлигига чуқур ишонади.

Бердақнинг инсон бахтга эришиш учун актив ҳаракат қилиши зарурлиги ҳақидаги идеяси фатализм таълимотига қарама-қаршидир. У яхшилик ва ёмонликни кишининг реал ҳаётига боғлиқдир, деб билади. Шунинг учун ҳам шоир дунёвий яхшилик ва гўзалликни улуғлайди.

Бердақ ҳаёт ва унга боғлиқ бўлган ижобий ҳодисалар: бахт-саодатга эришишга асосланган дўстлик, инсоний муҳаббат, қаҳрамонлик, жамиятга фойда келтиришга интилиш ва шунга ўхшаш инсоний хислатларни куйлайди. Бу шоирнинг инсонпарварлигига асослангандир. Инсонга муҳаббат, унинг қадр-қимматини улуғлаш Бердақнинг диққат марказида туради. Бердақнинг фикрича, ҳақиқий инсон, бошқаларнинг ҳам бахтли бўлишини кўз-дамлашиши, унинг қайғусига шерик бўлиши лозим.

Бердақ душманга нафрат билан қараш зарурлигини, агар душман бўйсунишдан бош тортса, уни йўқотиш зарурлигини уқтиради.

Ҳеч вақтда дўстларинг бўлмасин ҳайрон,
Қўлдан келса қилинғ душманни вайрон,
Ҳалойиқ бир бўлиб яшанг меҳрибон,
Туғилган ер учун ҳурмат яхшироқ...

Одам боласига зийнат номус-ор,
Юздан кам бўлмасин таниш, дўсту-ёр,
Агар томирингни қийса бир гаддор,
Шу вақт малҳам қўймоқ ордан яхшироқ.

Бердақ «Болам» деган шеърида ўзининг гуманистик ахлоқий қарашларини янада ёрқин ифодалайди:

Молим йўқ деб, қийнама жон,
Давлат топилур ҳар қачон,
Душманингда берма омон,
Ҳар чоқ хушёр бўлгин, болам...

Яхшилик қил, элинг билсин,
Донм олқиш айтиб келсин,
Душманинғ жувонмарг бўлсин,
Лекин кўз бўйма, болам.

Ўйламаслик кети вайрон
Ахир қилар сени ҳайрон,
Тенгинг билан солгил сайрон,
Душманни аяма, болам...

То ўлгунча тўғри сўйла,
Отангни, онангни ўйла,
Яхшига яхшилик айла,
Бу одамзод нақши, болам!

Етим кўрсанг, қўлингни бер,
Яхшилар сенга шуни дер:
Мақтаниб демагил мен шер,
Мағрурликни қўйгил, болам

Ғариб кўрсанг, насиҳат қил,
Яхши кўрсанг, маслаҳат қил.
Бунн сен зўр саодат бил,
Бу одатни суйгил, болам.

Бердақнинг «Нодон бўлма», «Ҳурлижонга» деган асарлари ҳам мана шундай идеяларга бойдир.

Бердақнинг диний ахлоқ нормаларига қарши курашида хотин-қизларга нисбатан бўлган муносабатларни фош қилиш айниқса диққатга сазовордир. Бу масалага бўлган қарашларида унинг шариятга ва диний ахлоқ қоидаларига муносабати аниқ ифодалангандир.

Ислом динининг ахлоқий қоидалари хотин кишини хўрлаш, уни ижтимоий ҳаётдан четлатиш, қоронғиликда сақлаш, ёш қизларни эрга бериш, кўп хотинлик, қалин

бериш ва шу каби вахший одатларни табиий ва ақлга мувофиқ деб билади.

Бердақ диний ахлоқнинг мана шу қондаларига ҳам чуқур норозилик билдирди. У хотин-қизларнинг фожиа-ли оғир аҳволига ачинди:

Қиз-жувонлар тенги билан юролмас,
Ўйнаб-кулиб ёшлик даврин суролмас,
Шариат деб уларга йўл берилмас,
Қоронғу қоплаган қайғу бу замон.

Хотин-қизларнинг асоратда сақланишида Бердақ феодал жамиятининг маразларидан бирини кўрди. Мана шунинг учун ҳам шоир бу масалага катта аҳамият берди. Бердақнинг фикрича, хотин киши, биринчи навбатда, инсондир, ғам-ғусса, шодликни ўз ёри билан бирга кечирувчи турмуш ўртоғидир, шунинг учун у чуқур ҳурмат ва иззатга сазовордир. Мана шу тушунчага асосланиб, Бердақ хотин-қизларни буюм сифатида сотиш ва олишни қаттиқ қоралайди. Унинг айтишича, хотин-қизларни ўзи севмаган кишига қалин эвазига сотиш, уларнинг қадр-қимматини оёқ-ости қилиш — инсоний ахлоққа мутлақо ёт бир қоидадир. Бердақ ўзининг «Келин» деган асарида қалин эвазига сотилган қизнинг фожиа-ли аҳволини шундай таърифлайди:

Тол чибиқдай нозик бўйинг,
Ортиқ эди ақлинг — ўйинг,
Қарама-қарши бўлди тўйинг,
Паризотдан ортиқ, келин.

Қайин оғанга бошинг эгиб,
Кўнглинг тўлиб, ҳасрат чекиб,
Армон билан, ёшлар тўкиб,
Кўрмаганга тегдинг, келин...

Қобирғангни қайғу сўкар,
Қалдингни ҳам ҳасрат букар,
Кўзларинг қонли ёш тўкар,
Армонинг синангда, келин.

Баҳонг бўлди эллик бош мол,
Уни олиб отанг хушқол,

Бурунгига қилди амал,
Ҳолинг шундай бўлди, келин!..

Хотин-қизларнинг қулликка солинишига қарши чуқур норозилик идеялари Бердақнинг бир қанча бошқа асарларида ҳам ифодаланган. «Равшан» поэмасида Бердақ ўз қизини қалин эвазига бой чолга сотмоқчи бўлган отага қаратиб, ўн бешга чиқмаган гулдай қизингни бойга еттинчи хотин қилиб сотишга қандай виждонинг чидайди, мол-дунё, амал сенга қизингнинг бахтидан, қадр-қимматидан ҳам устунми, дейди.

Бердақнинг «Аҳмоқ пошшо» поэмаси ҳам хотин-қизларни асоратда сақлаган феодал тузумига, кўп хотинликка қарши айбномадир.

Бердақ хотин-қизларнинг фожиа-ли аҳволига ачиниш билан кифояланмай, уларни қулликка маҳкум қилган дин ва шариат қоидаларига қарши актив курашга чақирди. Бердақ уларни бу вахший қоидаларга итоат қилмасликка, ўз бахти учун курашишга чақирди.

Душманинг ким? Олдингми ўч?
Турасанми, қўзғалмай ҳеч?...
Севмас эсанг, юрма йиглаб,
Биров учун бағринг тиглаб...

Бу ғордан қоч, тенгингни топ,
Ўз севгингни куйла, келин!

Бердақ никоҳ муносабатлари севгига асосланмоғи лозим, дейди. Шунинг учун ҳам у қизларга севмаган кишига турмушга чиқмасликни, мол-дунёга учмасликни маслаҳат беради:

Қайғи чекмай, тенгинг изла,
Хўр бўлмасдай ерни кўзла,
Дил дардини дадил сўзла,
Суймас ёр учун ўйланма.

Молига учма, сингилжон,
Азоб берар аҳмоқ, нодон,
Вафоси йўқ сўзи ёлғон,
Суймас ёр учун ўйланма...

Қарама суймас бойингга,
Қарарми у ҳол-жонингга,
Тенгинг сайла ўз бўйингга
Синглим, ўйланма, ўйланма...

Қўлингни беру, бери юр,
Суйганинг билан суҳбат қур,
Қўшилиб узоқ умр сур.
Синглим, ўйланма, ўйланма!

Бердақнинг хотин-қизлар аҳволи ҳақидаги фикрлари, дин ва шариат қоидаларига қарши билдирган норозилиги эксплуататорлар манфаатини ҳимоя қилган феодак тартиблари ва ахлоқий қоидаларига очиқдан-очиқ қарши чиқиш эди. Бердақнинг бу фикрлари ҳозир ҳам айрим кишилар онгидаги феодализм қолдиқларига қарши курашда ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Бердақ қарашларининг аҳамияти ҳақида гапирарканмиз, унинг диний ахлоқ қоидаларини танқиди тарихий чекланганлигини ҳам назарда тутишимиз зарур. Бердақ диний ахлоқ қоидалари синфий моҳиятини, уларнинг жамият, моддий ҳаёт шароитлари билан белгиланганлигини тушунишдан узоқ эди. У диний ахлоқнинг айрим қолдиқларини танқид қилар экан, бу қоидалар дин пешволарининг алдаши натижасида пайдо бўлгандир, деб тушунади.

Бердақ атеист эмас эди, шунинг учун у динни инкор қилмади. У худонинг адолатлилигига айрим вақтларда шубҳа билдирса ҳам, лекин унга ишонарди, айрим вақтларда унга мурожаат қилиб, ёрдам сўрарди. Бердақ дин пешволари адолатсизлик ва зўравонликни оқлаш ва асослаш учун диндан фойдаланганлигидан чуқур ғазабланир эди ва мусулмон руҳонийларини олло номи билан ваҳшийлик, зўравонлик ва эксплуатацияни оқловчи халқнинг ашаддий душманлари деб билди. Бердақ улар ҳақида бундай дейди:

Холин билмай, зикр тушиб, «алла»лар
Одамларни алдаб, дойим «олло»лар,
Сўфи, эшон, охун ҳамда муллалар,
Кўзларимга шайтон қатор кўринди.

Бердақнинг антиклерикал идеялари ва мусулмон руҳонийларини танқиди меҳнаткашлар оммасининг онги уй-

ғонишига, зулм ва зўравонликка қарши курашни кучайтиришга ёрдам берди.

Феодак жамиятининг ҳукмрон доиралари ичида асосий диний ахлоқдан ташқари, расмий бўлмаган, амалий «ахлоқ» қоидалари асосий роль ўйнарди. Мусулмон руҳонийлари ва бошқа феодак доиралари ислом динининг ахлоқий қарашларидаги ташқи томондан гўё ижобий ва маъқул бўлиб кўринадиган қоидаларни халққа уқтириб, диннинг синфий моҳиятини, ўзларининг ахлоқсизликларини яширардилар. Гап шундаки, ислом динида одамларга, камбағал ва етимларга нисбатан раҳмдил бўлиш, ғамхўрлик қилиш, адолатли ва соф виждонли бўлиш, ўғирлик қилмаслик, бошқаларнинг мол-мулкига кўз олайтирмаслик кабилар кўп такрорланади. Бу қоидалар конкрет ҳаётдан ажратилган, абстракт ҳолда олингандан маъқул бўлиб кўринади. Лекин бу ахлоқий қоидалар эксплуатацияга асосланган синфий жамиятда мулкдорлар, меҳнатсиз ҳаёт кечирувчи текинхўр руҳонийлар манфаатларини оқлаш учун хизмат қилувчи қуруқ сўздир, холос. Чунки ислом дини бу қоидаларни ўзининг асосий принципи бўлган итоаткорлик, қаршилик кўрсатмаслик, охиратни ўйлаш каби қоидаларга бўйсундиради. Эксплуаторлар ва текинхўр руҳонийлар бундан усталик билан ўз манфаатлари учун фойдаланиб келдилар.

Бердақ бу мунофиқликни ғазаб билан қоралайди ва инсоний ахлоқ қоидаларини тарғиб қилади.

Бердақ фикрича, бахтнинг маъноси бойликда, амалдорликда ёки асоссиз шухрат қозонишда эмас, балки донолик ва билимдонликда, ҳалол меҳнатда, ҳақиқий инсон бўлишдадир. Мана шу тушунчага асосланиб, у хасислик, очкўзлик, текинхўрлик инсоннинг оғир нуқсонларидан биридир, деб билади ва бойларга ўхшаш «нокас бўлма, ёшликдан мард бўл», «текинхўр бўлма», деб насиҳат қилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, Бердақ инсоннинг шахсий бахти халқ бахти билан боғлиқ деб билади. Бошқалар ҳисобига ўзининг шахсий бахтини кўзлаган, халқ манфаатини ҳисобга олмаган кишини бахтли деб бўлмайди, дейди Бердақ. Унинг фикрича, одам ҳақиқий бахтга эришиш учун ўзининг шахсий манфаатини халқ манфаатига мослаштириши, халқ манфаатига путур етказувчи ман-манликни тиймоғи лозимдир. Бердақ ҳақиқий инсон халқ учун жонини ҳам аямаслиги керак, дейди:

Йигит бўлсанг арслон каби туғилган,
Ҳамиша сен хизмат этгил халқ учун,
Йигит бўлсанг арслон каби туғилган,
Ўзим демай, ғамхўрлик қил халқ учун...

Йигит деган яхши билимдон бўлур,
Билим, ҳунар йигит учун шон бўлур,
Ақилсизлар иши кўп ёмон бўлур,
Аҳмоқлар ҳеч хизмат этмас халқ учун...

Шундай қилиб, Бердақ учун халқ бахти ва фаровонлиги ахлоқнинг олий ўлчови, критериясидир. Ақлли ҳақиқий инсон ўзининг барча хатти-ҳаракати, юриш-туришини халқ манфаатига мослаштириши зарур.

Бердақ асарларида кишининг ахлоқий бурчлари, инсоний фазилатлари ҳақида кўп фикрлар баён қилинган. Булар ичида виждонлилик, ҳаққонийлик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, халққа ва дўстга содиқлик, камтарлик, мардлик, саҳийлик, меҳмондўстлик, донолик, билимга интилиш каби яхши фазилатлар алоҳида ўрин тутлади. Буларнинг ҳаммаси ҳақида алоҳида таъриб ўтмасакда, айримлари устида тўхтаб ўтиш жонзидир. Айниқса меҳнатсеварлик ҳақидаги Бердақнинг фикри диққатга сазовордир. Бердақ камбағалларни эксплуатация қилиш ҳисобига яшаётган эксплуататорларнинг бекорчилик ва текинхўрликдан иборат ҳаётини фож қилиб, унга ҳалол меҳнат билан ҳаёт кечириш идеалини қарама-қарши қўйди:

Туриб-ла эртадан далага чиқиб,
Қўлингни қавартиб, белингни букиб,
Терингни оқизиб, меҳнатни чекиб,
Еган бир зогоранг болдан яхшироқ...

Бу сўзлар меҳнатдан жирканувчи, текинхўрлик билан ҳаёт кечирувчи руҳонийлар, бойларга қарши қаратилган эди. Бердақ фикрича, ҳақиқий бойлик — бу меҳнат орқали вужудга келтирилган бойликдир. Меҳнатсиз, талаш ва алдаш йўли билан тўпланган бойлик — ўғирликка тенгдир. Шунинг учун, дейди Бердақ, меҳнатсиз бойликни қидирма. Меҳнат билан топилган бойлик она сутидан ҳам тозадир.

Бердақ меҳнатни унинг ижтимоий аҳамиятига қараб баҳолайди. У киши томонидан ўз шахсий манфаати учун

қилинган меҳнатни жамият, халқ манфаати учун қилинган меҳнатдан ажратади. Унинг фикрича, жамият фаровонлиги учун қилинган меҳнат — шон ва шарафга муяссардир. Шунинг учун у ўз китобхонларини халқ учун меҳнат қилишга чақиради.

Бердақнинг ҳалол меҳнатни улуглаши ва жамият манфаати учун меҳнат қилишга чақириси унинг меҳнаткашлар оммаси манфаатлари учун курашчи эканлигига яна бир ёрқин далилдир. Шоирнинг бу фикрлари ҳозир ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Бердақ асарларида берилган ахлоқий кодекс нормалари меҳнаткаш қорақалпоқ халқининг ахлоқий тушунчаларининг ифодаси эди. Шоирнинг асарлари олижанобликка, камтарлик ва меҳнатсеварликка, халққа содиқликка, унга хизмат қилишга ўргатади. Уларнинг тарбиявий кучи, ижобий аҳамияти ҳам шундадир.

Бердақнинг бутун ижоди ватанпарварлик, халққа муҳаббат туйғулари билан суғорилгандир. У ўз ватанини, халқини ниҳоят севарди. Мана шу муҳаббат унда эксплуататорларга қарши чуқур нафрат, ватанпарварлик ҳисларини уйғотарди:

Ешлигимда меҳр қўйдим,
Умр бўйи юртни сўйдим,
Қариганда ёндим-қўйдим,
Эл ғамида ўтган умрим...

Мен элга бахт этса, дедим,
Золим ўти ўчса, дедим,
Нола чекиб, қайғу едим,
Эл ғамида ўтган умрим...

Бердақ ўз ватани ва халқи билан боғланган, ватан бахт-саодати учун курашувчи кишинигина ҳақиқий ватанпарвар деб, билади.

Ишни ишла, туғилгансан эл учун,
Жонингни аяма, элда эр учун,
Киндик қонни томган азиз ер учун,
Ўлиб кетганингча хизмат яхшироқ...

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Бердақнинг ватанпарварлик идеялари тор миллий доирада чекланган

эмас эди. Бу шунда кўринадики, Бердақ Хива хонлари хонликда яшаган турли қабила ва халқлар ўртасида миллий низо ва қарама-қаршилик сиёсатини олиб борган даврда барча кишиларнинг тенглигини куйлади, уларни бирликда зулмга қарши курашга чақирди, туркман, ўзбек ва озарбайжон халқларининг классик шоирлари Навоийни, Фузулий, Махтумқулини улуғлади.

Бердақ қорақалпоқ халқининггина эмас, балки ўзбек, қозоқ ва бошқа халқларнинг ҳам севимли шоири эди, чунки у барча миллат камбағал меҳнаткашларининг орзу-истакларини ифода қилди, уларнинг бахт-саодати учун курашди. Бердақ умрининг охиригача ўз халқига, Ватанига содиқ бўлиб қолди.

Бердимурод айтар, кўролмай яқти,¹
Улиб кетар бўлди, очилмай бахти,
Бердимурод халқни, халқи Бердақни
Елғизидай кўрар, жондан яхшироқ.

Бердақ қорақалпоқ халқининг озод ва фаровон ҳаётини кўришга муяссар бўла олмади. Лекин у бахтли ва фаровон турмуш ўрнатилишига чуқур ишонарди.

Бердақ орзу қилган бахтли ҳаёт ҳақиқатга айланди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли, барча совет халқларининг қардошлик ёрдами билан қорақалпоқ халқи зулм ва асоратдан озод бўлди, унинг иқтисодий ва маданий ҳаёти равнақ топди. Ҳозир қорақалпоқ халқи Улуғ Ватанимизнинг тенг ҳуқуқли халқлари оиласида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунистик жамият қуриш ишига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

¹ Яқти — ёруғлик.— *Ред.*

МУНДАРИЖА

Бир-икки сўз	3
Бердақ яшаган ва ижод этган давр :	5
Бердақ ижтимоий-сиёсий қарашларининг шаклланиши ва ривожланиши ҳамда унинг специфик хусусиятлари	8

На узбекском языке

Хамид Пазирович Вахидов

**ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ
БЕРДАХА**

Госиздат УзССР — 1962 — Ташкент

Редактор Т. А. Исамуҳамедов
Техн. редактор А. Бобохонов
Корректор С. Назарова

Теринга берилди 22/III-1962 й. Босишга рухсат этилди 15/V-1962 й. Формати 84×108^{1/2}. Бос. л. 1,25. Шарт. бос. 2,10. Нашр. л. 2,17. Тиражи 3000. P05435. Индекс с/в. Узбекистон ССР Давлат нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 90—62.

ЎзССР Маданият министрлиги Главиздатнинг 3-босмахонаси, Тошкент Ленинград кўчаси, 15. Заказ № 194. Баҳси 6 т.